2011 ЙИЛ 4 ЯНВАРЬ, СЕШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ | № 2 (11.813) | Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Хорижий ҳамкорлар билан шерикликда ташкил этилган қўшма корхоналарда тайёрланаётган халқаро андозаларга мос маҳсулотлар ички бозорни таъминлаши баробарида ташқи бозорда ҳам ўз харидорларини топмоқда.**

Ҳамкорлик қирралари



## ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР — МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

Бунинг асосий боиси мамлакатимизда кичик бизнес ривожига қаратилган эътибор, хорижий инвесторлар учун яратилаётган бир қатор қулайликлар бўлиб, киритилган чет эл сармоялари ташкил этилган корхоналарни юксак унумли дастгоҳ ҳамда ускуналар билан жиҳозлашда, шу асосда рақобатбардош товар турларини кўпайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Илғор технологияларни қўллаган ҳолда ишлаб чиқараётган маҳсулотларини келгусида «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиғи билан чет эл бозорида ҳам сотишни кўзда тутган «Elif Texnik» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонанинг иш бошлаганига уч йил бўлди.

— Маҳсулот ишлаб чиқаришни режа қилар эканмиз, — дейди корхона бош директори Шерзод Ғуломов, — аввало бозор ва харидор талабини чуқур ўргандик. Импорт ўрнини босадиган товарларимиз четдан келтириладиган худди шундай маҳсулотдан бирмунча арзон бўлишини ҳам ҳисоблаб чиқдик. Цехларимизга ҳамкорларимиз кўмагида Англия, Туркия, Хитой давлатларининг технологик линияларини ўрнатиш баробарида уни бошқарадиган мутахассисларни ҳам тайёрлашга эътибор қаратдик. Натижа эса ёмон бўлмади. Мамлакатимизнинг кўплаб ҳудудларида доимий буюртмачиларимиз бор ва шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш ҳажми ортиб боришига эришаяпмиз.

Ҳақиқатан ҳам айни пайтда корхонада ишлаб чиқарилаётган мувофиқлик сертификатига эга бўлган тормоз колодка ва накладкалари барча транспорт воситаларида, шу жумладан темир йўл вагонларида ҳам қўл келмоқда ва талаб ортиб бормоқда. Тадбиркорларнинг маҳсулот тайёрлашдаги маҳорати, сифатнинг доимий назоратда эканлиги, ҳар бир буюртмачининг талаб ва таклифи асосида иш юритилиши, маҳаллийлаштириш дастури ижросини таъминлашга ҳисса қўшиш мақсадида товар таннархининг арзонлаштирилиши муваффақиятлар гарови бўляпти, десак асло янглишмаган бўламиз. Буюртмачилар орасида Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари, «Ўзосиётранс», Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, Тошкент метрополитени, барча трамвай деполарининг мавжудлиги сўзимизни ёрқин исботлаб турибди.

Ўтказилаётган кўргазма ва ярмаркаларнинг фаол иштирокчиси бўлган корхона ўз намойишлари билан фойдали шартномаларга эга бўлиб, фикр-мулоҳаза ҳамда таклифлар асосида маҳсулот турларини кўпайтиряпти. Айни пайтда 24 турдаги колодка ва накладкалар тайёрланаётган бўлса, келгуси йилда уларнинг тури яна бир нечтага ортиши устида изланишлар олиб бориляпти. Сергели туманида ташкил этилган фирма дўконида эса барча харидорлар учун қулайликлар яратилган.

Ишлаб чиқариш цехида меҳнат қилаётган 20 нафардан зиёд малакали мутахассиснинг меҳнати билан ойига 30 мингта маҳсулот тайёрланади. Буюртмага қараб иш икки сменада ҳам ташкил этилади. Жорий йилдан эса кўплаб турдаги автомобиллар учун колодка ҳамда накладкаларнинг янги турларини тайёрлашга киришилади.

**Шарифа ИЛЁСОВА**
**Козим Ўлмасов олган сурат**

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

## ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

**Шарқий ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган бир гуруҳ Ватан ҳимоячилари Янги йил байрамини замонавий, барча шароит ва қулайликларга эга янги уйларда кутиб олишди.**

Ватанни ҳимоя қилиш, эл-юрт корига яраш ҳар бир йигитнинг эзгу орзусидир. Ҳарбийлик нафақат шараф, балки улкан масъулият ҳамдир. Ватан сарҳадлари дахлсизлигини таъминлаш учун пухта ҳарбий тайёргарлик, ақл-заковат, юксак маънавият, мустаҳкам иродага эга бўлиш лозим. Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган ҳарбийлар буни теран англайди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, эҳтиёжларига жавоб берадиган қулай ижтимоий-маиший шароит ва инфратузилмаларни яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Шарқий ҳарбий округ ҳудудида бунёд этилган мазкур янги уйлар ҳам бу борада амалга оширилаётган ишларнинг мантиқий давомидир.

Янги уйларни топшириш маросими катта шодиёнага айланиб кетди. Мамлакатимизда замонавий, профессионал армия шаклланганини, эл-юрт осойишталиги йўлида камарбаста бўлаётган ҳарбий хизматчиларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар кўлами тобора кенгайиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Янги уйларга эга бўлган ҳарбий хизматчилар бундай юксак эътибор ва ғамхўрлик учун Юртбошимизга миннатдорлик билдирди.

– Янги уйга кўчиб ўтганимиз оиламиз учун катта туҳфа бўлди, – дейди офицер Элмурод Отажонов. – Юртимиз тинчлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, Ватанимизга, халқимизга садоқат билан хизмат қилиш – ҳар бир ҳарбий хизматчининг олий бурчи, шон-шараф иши. Бундай эътибор, ғамхўрлик кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади.

**М.СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири**

Қарор ва ижро

## «МИКРОКРЕДИТБАНК» РЕЙТИНГИ ОШМОҚДА

**«Fitch Ratings» халқаро рейтинг агентлиги «Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик тижорат банкининг халқаро валютадаги эмитентининг узоқ муддатли дефолт рейтингини «В-» даражадан «В» даражага оширди ва унинг фаолиятини «барқарор» деб баҳолади.**

Бугунги кунда мамлакатимиз банк тизими фаолияти энг барқарор тизимлардан бири бўлиб, қатъий белгиланган халқаро стандартларга жавоб беради. Амалиёт шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда шаклланган қонунчилик базаси халқаро рейтинг агентликларининг юқори баҳолари кўринишида ўзининг салмоқли натижаларини бермоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган 2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишларига доир қарори мамлакатимиз молия-банк тизими барқарорлигини ошириш ва унинг фаолиятини янада юқори даражада ташкил этишга қаратилган.

«Fitch Ratings» халқаро агентлиги экспертларининг таъкидлашича, ҳозирги кунда барча банкларнинг индивидуал рейтингини ошириш салоҳияти Ўзбекистон иқтисодиёти тузилмасини ва банкларнинг давлат сиёсатини юритишдаги ўрни ҳисобга олинган ҳолда чекланган. Мамлакатимизда ижобий иқтисодий ўсишни давом эттириш, капиталнинг етарлилик кўрсаткичини ошириш ва мижозлар базасини сезиларли даражада диверсификация қилиш банкларнинг мустақил кредит тўлаш қобилиятининг ижобий омили бўлиши мумкин.

«Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик тижорат банкининг ҳисоботларига кўра, айни пайтда банк кредит портфели тармоқларга, асосан, қишлоқ хўжалиги тармоғига йўналтирилганлигига қарамасдан, қарз олувчилар бўйича диверсификацияланган ҳисобланади. Банкдан маълум қилишларича, кредит тўлаш қобилияти кредитлар бўйича ниҳоятда чекланган йўқотишлар даражасида сақланиб турибди ва 2010 йилнинг 9 ойи охирида капиталнинг етарлилик кўрсаткичи 32 фоизни ташкил этди.

Таъкидлаш керакки, жорий йил биринчи ярми охирида «Микрокредитбанк» мамлакатимизда катталиги бўйича саккизинчи ўринни эгаллади ва тармоқ активларининг қарийб 2,9 фоизи унинг улушига тўғри келди. Банкнинг асосий вазифаси – микромолия хизматларини, айниқса, қишлоқ жойларда ривожлантиришга кўмаклашишдан иборат.

«Fitch Ratings» халқаро агентлигининг баҳолаш якунига кўра, «Микрокредитбанк» эмитентининг узоқ муддатли дефолт рейтинги «В-» даражадан «В» даражага кўтарилди, унинг фаолияти «барқарор» деб баҳоланди ва эмитентининг қисқа муддатли дефолт рейтинги «В» даражасида тасдиқланди. Индивидуал рейтинги «D/E» даражасида тасдиқланди, қўллаб-қувватлаш рейтинги эса «5» даражадан «4» даражага кўтарилди. Банкка бундай юқори кўрсаткичларнинг берилиши, аввалāмбор, унинг ликвидлиги ва барқарорлиги ҳамда мамлакатимиз банк тизимига бўлган ишонч ошиб бораётганидан далолат беради.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **«УМИД** ниҳоллари» мусобақасининг шаҳар босқичи беллашувлари бугун «Учтепа», «Қушбеги», «Чилонзор», «Чимбой» ва 4-болалар ва ўсмирлар олимпия заҳиралари спорт мажмуаларида бўлиб ўтди.

✓ **ТОШКЕНТ** давлат педагогика университети ҳамда Саломатлик ва тиббий статистика институти ҳамкорлигида «Ёшлар — соғлом турмуш тарафдори» шиори остида анжуман ўтказилди.

✓ **«СОҒЛОМ** авлод учун» жамғармасининг шаҳар таянч маскани ташаббуси билан болалар руҳий асаб касалхонасида даволанаётган кичкинтойлар учун хайрия акцияси ташкил этилди.

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг қуйи палатадаги фракцияси ҳамда Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси ҳамкорлигида тадбиркорликни ривожлантиришга оид қонунларнинг Қашқадарё вилоятида ижро этилишига бағишланган парламент эшитуви ўтказилди.**

**● Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасида «Замонавий халқ табобатини ривожлантиришнинг илмий ва ҳуқуқий асосини яратиш — бугунги кун зарурати» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

**● Қарши шаҳридаги Муллатўйчи Тошмуҳамедов номли вилоят мусиқали драма театрида ташкил этилган «Президент арчаси» байрам тантанасига вилоятдаги Меҳрибонлик уйлари ҳамда мактаб-интернат тарбияланувчилари таклиф этилди. Шу куни «Президент арчаси» атрофида «Сирли саргузашт» деб номланган театрлаштирилган мусиқий дастур намойиш этилди, жажжи иштирокчиларга Президент совғалари топширилди.**

**● «Матлуботсавдо» МЧЖ томонидан Риштон шаҳри марказидаги қаровсиз бино таъмирланиб, замонавий савдо мажмуасига айлантирилди. Таъкидлаш жоизки, 40 киши иш билан таъминланган мажмуада, асосан, вилоятдаги саноат корхоналарида тайёрланган маҳсулотлар савдога чиқарилмоқда.**

**● Асака туманининг Асака — Фарғона магистрал йўли бўйида замонавий шаҳарча бунёд этилди. Намунавий лойиҳалар асосида қурилган замонавий уйлар кўрганларнинг ҳавасини келтиряпти. Ушбу шаҳарчада янги йилни янги уйларда 22 оила кутиб олди.**

**● Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманида “Одам савдосига қарши курашда маҳалла фуқаролар йиғинларининг ўрни” мавзуида ташкил этилган давра суҳбатида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, маҳалла ва овул фуқаролар йиғинлари раислари иштирок этди.**

**● Андижонда «Сербия боғи» барпо этилди. Боғда Сербиядан келтирилган 23 хилдаги олма, етти хилдаги нок ва 20 дан ортиқ олхўри ва ўрик навларидан иборат жами 100 минг туп мевали дарахтлар экилди.**

### ЖАҲОНДА

**● МАГАТЭ қошидаги Эроннинг масъул вакили Россия, Хитой ва Европа Иттифоқи вакилларини Эрондаги ядро иншоотлари билан танишишга чақирди.**

**● Ғарбий Африка мамлакатлари етакчилари ўзини Кот д’ Ивуар президенти ҳисоблаётган, лекин халқаро ҳамжамият тан олмаган Лоран Гбагбони истеъфога чиқариш юзасидан олиб борилган иккинчи босқич музокараларидан ҳеч қандай натижа чиқара олишмади. Бунда ҳатто АҚШнинг Гбагбо тинч йўл билан кетса сиёсий бошпана беришга тайёр эканлигини билдириши ҳам қўл келмади.**

**● Греция ўзининг Туркия билан қуруқликдаги 200 километрлик чегарасига ноқонуний муҳожирлар оқимига барҳам бериш мақсадида тўсиқ ўрнатишга қарор қилди.**

**● Етти йиллик ваколати тугаганидан сўнг кеча АҚШнинг Калифорния штати губернатори машҳур киноактёр Арнольд Шварценеггер ўз вазифасини тарк этди. Эндиликда ушбу йирик штатни 72 ёшли Жерри Браун бошқаради.**

**● Кейинги 27 ой ичида нефть нархи энг юқори даражага кўтарилди.**

**● Чилининг марказий ва жанубий вилоятларида кучли зилзила содир бўлди. Рихтер шкаласи бўйича 7,1 баллни ташкил этган табиий офат маркази Темуко шаҳридан 69 километр шимоли-ғарбда қайд этилди. Зилзила натижасида қурбонлар ва жабрланганлар бўлмасада, электр таъминоти ва телефон алоқаси узилиб қолган.**

**● Австралиянинг Янги Жанубий Уэльс штатидаги кинотеатр томининг қулаши оқибатида элликка яқин киши оғир жароҳатланди. Яна ўн олти киши қулаган бино остида қолган. Айни дамда қутқарув хизмати ходимлари зарур чораларни кўрмоқда.**

**● Кучли жала қуйиши натижасида Австралиядаги жаҳондаги кокс кўмирининг 50 фоизи қазиб чиқариладиган шахталарнинг тўртдан уч қисми ўз фаолиятини тўхтатди.**

Қонун ва ижро

# МАҲАЛЛА — КАМОЛОТ БЕШИГИ

**Ҳеч бир инсон жиноятчи бўлиб туғилмайди. Носоғлом муҳит, назоратсизлик ва бошқа турли салбий таъсирлар туфайли у тўғри йўлдан адашиши мумкин.**

Қодир Исомиддинов ҳам ҳамма қатори иллатлардан холи, беғубор бола эди. Бироқ оиладаги нотинчлик, ота-она ўртасидаги узлуксиз жанжал-тўполон болакайни уйдан бездирди: у тез-тез кўчага қочадиган ва безори болаларга қўшилиб турли ҳуқуқбузарликлар содир этадиган одат чиқарди. «Ўзининг ташвиши»дан ортмаган ота-она эса боланинг хатти-ҳаракати билан қизиқмади, бунинг оқибатида оқу қорани яхши таниб улгурмаган ўспириннинг жиноят кўчасига киришига бир баҳя қолди.

Шундай вазиятда маҳалла кўмакка келди. Қодирнинг мактабга қатнаши маҳалла томонидан доимий назоратга олинди. Хонадондаги муҳитни юмшатиш мақсадида оилага моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилди. Натижада, Қодир барча фанларни яхши ўзлаштириб, мактабни муваффақиятли тугатди ва ҳаётдан ўз ўрнини топди.

Пойтахтимизнинг Яккасарой тумани Бобур номидаги маҳалланинг диний-маърифий, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Дилбар Тўрабекова маҳалладаги ўн йилдан кўпроқ фаолияти давомида бундай хайрли ишларга доимо бош-қош бўлиб келмоқда.

– Вояга етмаганларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш ишида оила, мактаб, маҳалла ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамкорлиги яхши самара бермоқда, – дейди ЎзА мухбирига Д.Тўрабекова. – 2010 йилда маҳалламизда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этиш ҳолатлари умуман рўй бермади. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2010 йил 29 сентябрда қабул қилинган «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширишда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасидан маълум қилишларича, ёшлар маънавиятини юксалтириш, салбий иллатлар ва мафкуравий таъсирлардан ҳимоялаш, йигит-қизларни фойдали ишларга йўналтириш мақсадида 2010 йил давомида ўн мингга яқин мулоқот, давра суҳбати, маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилган. Натижада 2010 йилда 2 мингдан кўпроқ маҳаллада жиноят содир этилмади, 1,5 мингдан кўпроқ маҳаллада бундай салбий иллатлар кескин камайгани кузатилди.

Бу жараёнда ижтимоий-маънавий муҳити нотинч оилалардаги фарзандлар тарбияси ва манфаатларини муҳофазалашга, оиладаги вазиятни барқарорлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Халқ таълими, Ички ишлар вазирликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда маҳаллаларда ташкил этилаётган турли тадбирлар яхши самара бераётир. Мақсад – кўча-кўйда қаровсиз юрган вояга етмаганларни назоратга олиш, уларни фойдали машғулотларга жалб қилишдан иборат.

Ўтган давр мобайнида ана шундай тадбирлар жараёнида тўрт юз нафардан кўпроқ тарбиясида нуқсони бор ўқувчининг аксарияти мактабга қайтди, 31 нафари вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоя қилиш марказларига жойлаштирилди.

Оилаларда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш мақсадида ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида ҳуқуқий маслаҳатхоналар ташкил этилди ва улар фаолияти мунтазам такомиллаштирилмоқда. Ҳозирги кунда юртимиздаги икки мингдан кўпроқ маҳаллада ана шундай тузилмалар фаолият юритаётир.

Ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш мақсадида маҳаллаларда зардўзлик, дурадгорлик, сартарошлик, пазандалик, тикувчилик, каштачилик, кулолчилик каби элликдан зиёд ҳунармандчилик йўналишлари бўйича ўқув курслари йўлга қўйилган. 2010 йил ўн саккиз минг нафардан зиёд ёш йигит-қиз «уста-шогирд» анъанаси асосида моҳир ҳунармандлардан касб сирларини ўрганди.

Фарзандларимизнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, улар орасида соғлом турмуш тарзи ва оммавий спортни кенг жорий этишда анъанавий «Футболимиз келажаги», «Маҳалламиз паҳлавонлари» мусобақаларининг аҳамияти катта бўлмоқда. 2010 йил ушбу мусобақаларда 450 минг нафардан кўпроқ ўқувчи иштирок этгани бунинг далилидир.

Ёшлар тарбиясига салбий таъсир қилувчи мафкуравий таҳдидларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга қарши курашиш маҳаллалар зиммасига алоҳида масъулият юклайди. 2010 йилда бу йўналишдаги тадбирларда 56 минг нафардан ортиқ аҳоли, хусусан, 30 мингга яқин ўғил-қиз қамраб олинди. Ёшларни «оммавий маданият» хуружларидан ҳимоялаш мақсадида «Экрандаги олабўжи», «Нуқтаи назар», «Она тилим – жону дилим», «Отам, онам ва мен – спортчи оила» каби мавзуларда кўплаб маънавий-маърифий ва спорт тадбирлари, давра суҳбатлари ва турли мулоқотлар уюштирилди.

Буларнинг барчаси навқирон авлод ҳуқуқларини ҳимоялаш, улар ўз салоҳиятини намоён этиши учун кенг имкониятлар яратиш, энг муҳими, ёшларни фойдали касб-ҳунарга йўналтиришга хизмат қилаётир.

**Баҳор ХИДИРОВА**









*Айни кунларда мамлакатимизнинг барча гўшаларида кўзни қамаштирувчи ранг-баранг ўйинчоқлар, турфа хил чироқлар билан безатилган арча атрофида жажжи болажонлар яйраб қувнашмоқда. Қорбобо ва Қорқиз, турли хил эртак қаҳрамонлари иштирокида ўтаётган байрам тадбири, шунингдек, севимли хонандалар ижросидаги концерт дастурлари, қизиқарли томошалар, наинки кичкинтойлар, балки барча-барчанинг қалбига хуш кайфият, завқ-шавқ бағишламоқда.*

***Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар***

**Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси ўқувчиларнинг қишки таътилини мароқли ўтказишига кўмаклашиш мақсадида махсус байрам дастури тайёрлади. Ундан кўплаб қизиқарли томошалар ўрин олган.**

# ТАЪТИЛ ЗАВҚЛИ ЎТМОҚДА

«Қорбобони қутқаринг» театрлаштирилган мусиқали томошаси шулар жумласидандир. Мазкур саҳна асарининг сценарий муаллифи ва бош режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шоҳида Исмоилованинг айтишича, спектаклда эзгулик, ростгўйлик, дўстлик, аҳиллик каби чин инсоний фазилатларнинг ёвузлик, ёлғончилик, манманлик каби иллатлар устидан ғолиб келиши ҳақида сўз юритилган.

Янги йил байрами ҳақидаги қувноқ куй-қўшиқлар, рақслар, ранг-баранг саҳна безаклари, декорациялар ва либослар томошага янада завқ ва кўтаринкилик бахш этмоқда.

# ҲАРБИЙЛАР ШАРАФЛАНДИ

**Марказий офицерлар уйида жорий йил жаҳон ва Осиё миқёсида ўтказилган халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этган бир гуруҳ ҳарбий спортчи ва мураббийларни шарафлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қ.Бердиев Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ҳарбийларнинг касбий билим ва малакасини ошириш, спорт билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Марказий ҳарбий спорт клуби спортчилари томонидан 2010 йилда ўтказилган жаҳон ва қитъа мусобақаларида 56 олтин, 40 кумуш, 46 бронза медаллар шодасининг қўлга киритилгани бунинг ёрқин далилидир.

Ҳарбий спортчиларимиз шу йилнинг ноябрь ойида Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтган XVI ёзги Осиё ўйинларида 6 олтин, 7 кумуш, 8 бронза медаль жамғариб, мамлакатимиз терма жамоасининг кучли саккизликдан жой олишига муносиб ҳисса қўшди.

– Биз, ёшлар эришаётган бундай юксак марралар давлатимиз раҳбари томонидан спортнинг барча турларини изчил ривожлантириш ва оммалаштиришга қаратилаётган алоҳида эътибор натижасидир, – дейди дзюдо бўйича жаҳон чемпиони, лейтенант Ришод Собиров. – Орзуимиз – 2012 йили Лондонда ўтказиладиган XXX ёзги Олимпия ўйинларида ҳам Ватанимиз байроғини баланд кўтаришдир.

Тадбирда Марказий ҳарбий спорт клубининг жорий йил юксак натижаларга эришган спортчи ва мураббийларига вазирликнинг қимматбаҳо совғалари топширилди. Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли ижросида концерт намойиш этилди.

**(ЎзА)**

# АНЪАНАВИЙ АНЖУМАН

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида шу кутубхонанинг илмий ва маркетинг тадқиқотлари бўлими ташаббуси билан таниқли кутубхонашунос, библиограф, тарихчи, китобшунос ва педагог Е.Бетгер хотирасига бағишланган анъанавий давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Ахборот-ресурс марказлари раҳбарлари ва мутахассислари, профессор-ўқитувчилар, магистрлар қатнашган бу сафарги давра суҳбатининг мавзуси «Баркамол авлоднинг эркин билим олишида ахборот-кутубхона муассасаларининг имкониятлари» масалаларига бағишланди.

Бу йилги «Бетгерхонлик-2010» давра суҳбатининг асосий мақсади «Баркамол авлод йили» Давлат дастуридан келиб чиқиб ҳозирги замон инфратузилмасида ахборот-кутубхона муассасалари хизматларининг роли ва ўрнини аниқлашда олимлар, мутахассислар, ўқитувчилар ва амалиётчи кутубхоначиларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, тажриба алмашиш, ёшларимизнинг билимга бўлган интилишларини мустаҳкамлаш ва оммалаштириш, янги ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда уларни илмий фаолиятга жалб қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш мақсадида таълимий ахборотлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва такомиллаштиришга қаратилди.

Давра суҳбати Миллий кутубхона директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Ирина Маминова ва профессор Марат Раҳматиллаевларнинг «Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини амалга оширишдаги роли», «Ахборотдан билимга» маърузалари билан бошланди. Муҳокамага қўйилган «Баркамол авлодни шакллантиришда кутубхона ахборот ресурсларидан фойдаланиш», «Фойдаланувчиларни ахборотлар билан самарали таъминлаш мақсадида фондларни, шу жумладан, электрон ресурсларни шакллантириш хусусиятлари», «Ахборотдан фойдаланишни таъминлашнинг методик жиҳатлари», «Мутолаа маданиятини ва ахборот маданиятини шакллантириш ҳамда такомиллаштириш», «Ахборот-кутубхона муассасаларининг маркетинг фаолияти», «Ёшларнинг билим олишлари учун имкониятлар яратиб беришда кутубхоналарнинг ахборот салоҳияти» ва бошқа қатор масалалар бўйича маърузаларда атрофлича фикр юритилди. Савол-жавоблар, фикр алмашувларда айрим масалаларга аниқликлар киритилди. Давра суҳбатида Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтининг 1 ва 2-курс магистрантлари Альфия Газиева, Галина Платоноваларнинг маърузалар билан чиқишлари йиғилганларда қизиқиш уйғотди. Шу институтнинг 1-курс магистранти Ҳилола Исломованинг доцент Улуғбек Каримов раҳбарлигида тайёрлаган «Алишер Навоий асарларининг электрон каталоги ва тўлиқ матнли маълумотлар базаси» мавзусидаги иншонинг ҳамда электрон каталогдан керакли адабиётларни қидириб топишни ўргатувчи мультимедияли дастур (электрон педагог) тақдимоти ҳам бўлди. «Бу мультимедияли дастур, — дейди кутубхонанинг илмий ва маркетинг тадқиқотлари бўлими мудири доцент Улуғбек Каримов, — ўқув юртларида қўлланилганда педагоглар томонидан қисқа муддатда ўзлаштирилиб амалиётда фойдаланилди.

Анъанага кўра давра суҳбати мавзуси бўйича талабга жавоб берадиган маъруза ва бошқа тақдим этилган ишлар «Бетгер ўқишлари-2010» материаллари тўпламида чоп этилади.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

Маънавият

# ЭЛЕКТРОН НУСХАЛАР

**Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида архив ишини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида амалга оширилаётган ишлар ўз ижобий натижасини бераётир. Кўпгина архив идоралари компьютер ва тегишли ахборот коммуникация технологиялари билан таъминланди.**

Тошкент шаҳар давлат архивида сақланаётган қимматли ҳужжатлардан эса 150 минг кадрдан ортиқ электрон нусхаси яратилди. Ушбу ишларни жадаллаштиришга «Ўзархив» агентлиги яқиндан бош қўшди.

Мазкур агентлик архив ҳужжатларининг электрон нусхаларини тайёрлайдиган қурилмани тақдим этди. Шу тариқа электрон нусхалар кўплаб тайёрланмоқда.

# МУЗЕЙЛАРГА ЭЪТИБОР

**Кейинги йилларда республикамиздаги музейларни таъмирлаш, янги экспонатлар билан таъминлаш борасида қатор ибратли ишлар қилинди.**

Музейлар фаолиятини мувофиқлаштириш, илмий-услубий ёрдам кўрсатиш, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида «Ўзбекмузей» республика жамғармаси тузилди. Кўрилган бу тадбир натижасида кўпгина музейлар фаолияти янада кенгайди.

Аҳолининг музейшунослик маданиятини оширишга кўмаклашувчи «Мозийдан садо» журнали таъсис этилди. Мана бир неча йилдирки, у ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этиб келинмоқда. Шуни мамнуният билан айтиб ўтиш жоизки, музейларнинг асосий фонди янги тарихий ва маданий ёдгорликлар билан бойиди.

# ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИКДА

**Республика ахборот кутубхона маркази алоқа тармоғида маърифий тадбирлар режали асосда уюштирилмоқда.**

Бу марказнинг «Зиё Нет» тармоғи ресурс маркази билан ҳамкорлик ўрнатиши туфайли соҳада маърифий-маънавий йўналишга эътибор кучайди. Электрон каталоглардан фойдаланиш учун кутубхоналарда «Компьютер саводхонлиги» кунлари йўлга қўйилди.

# МУҲИМ АҲАМИЯТ ҚАРАТИЛМОҚДА

**Бугунги кунда маънавият инсон учун олий фазилатга айланган. Илм ва маънавият, тафаккур ва тарбия бир-бири билан боғлиқ равишда намоён бўлмоқда.**

Шу жиҳатдан Тошкент тиббиёт академиясида бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, ёшларнинг маънавий камолотини ўстиришга жиддий аҳамият берилмоқда. Олий ўқув юртида «Маънавият куни» жадвали жорий қилинганлиги айни муддао бўлди. Ижтимоий воқеликнинг муҳим йўналишига бағишланган бундай тадбирда академиянинг даволаш ва тиббий педагогика факультети талабалари иштирок этдилар. Унда магистратура тизимида кутубхоналарнинг тутган ўрнига бағишланган савол-жавоб ҳам ўтказилди. Ёшларнинг дунёқарашида маърифий-тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш муҳим эканлиги алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, «Маънавият ҳаёт кўзгуси» деган мавзуда суҳбат ҳам уюштирилди.

Тиббиёт

# ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

**Мамлакатимизда қишлоқ врачлик пунктларини намунали тиббиёт муассасаларига айлантириш борасида бошланган саъй-ҳаракатлар ўз ижобий натижасини бераётир.**

Аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда қишлоқ врачлик пунктлари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини тўғри юритиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу жараёнда ҚВПларнинг паспорти қайта кўриб чиқилиб, уларга баҳо бериш тартиби йўлга қўйилди. Бунда жамоатчилик билан ҳамкорликда уюштирилаётган давра суҳбатлари кўл келмоқда.

**Анвар ҒАНИЕВ**





Кўргазмалар

# ЙИЛНИНГ ЭНГ САРА АСАРЛАРИ

**Янги йил арафасида Тошкент фотосуратлар уйида «Ҳамоҳанг чизиқ ва ранглар» номли графика асарлари кўргазмаси очилди.**

Ундан 30 та мусаввирнинг 146 та асари ўрин олган бўлиб, бу тадбир Бадиий ижодкорлар уюшмаси графика шўъбасининг ўзига хос йил ҳисоботи тарзида тақдим этилди.

Кўргазмадаги ҳар бир ижод намунаси ўз муаллифининг дунёқараши, қизиқишлари, танлаган долзарб мавзулари, ифода услублари билан ажралиб туради. Маълумки, графика санъатининг тасвирий имкониятлари, турли жанр хусусиятлари асарнинг ҳар тарафлама сермазмун, қизиқарли бўлишини таъминлаш ҳамда эмин-эркин ижод қилиш йўлларини очади. Шунинг учун ҳам кўргазмадаги тасвирий ишлар орасида реалистик-анъанавий, авангард-замонавий ва ноёб-ўзига хос шахсий-хусусий, абстракт талқиндаги асарларни учратасиз. Уларнинг аксарияти халқнинг оддий кундалик турмуш тарзи, интилиш ва муваффақиятларини, шахс ички кечинмалари, руҳий олами ҳақида, дунёнинг бетакрор гўзалликлари, табиат манзаралари ҳамда унинг ранг-баранг неъматлари тўғрисида ҳикоя қилувчи бадиий композициялардир.

Маҳоратли мўйқалам усталаридан Дамир Уразаевнинг «Аброрнинг назокати», «Гўзал учун лилиялар», «Атҳамнинг камоли» номли триптихи, Медат Кагаровнинг «Балиқчи», «Кутиш», Марат Содиқовнинг «Венецияда оқшом», «Флоренция», Радик Азизовнинг «Аллегро», «Чирмашиш», «Импровизация», Любов Тиоранинг «Раҳмдиллик», Акром Баҳромовнинг «Тошкент солномаси» номли туркум ишлари, Ҳусан Содиқовнинг «Алишер Навоий», Анна Донецнинг «Бурчмуллада туш пайти» каби асарлари ана шундай эътиборни тортувчи намуналар сирасига киради.

Н.Ҳидоятова, А.Гвардин, Г.Ли, М.Фозили, Р.Азихонов, А.Слугин каби рассомларнинг ижод намуналари ҳам мазмуни жиҳатидан кенг қамровли эканлиги билан ажралиб туради.

Кўргазманинг очилиш маросимида унинг фаол қатнашчилари махсус дипломлар билан тақдирланди.

**Баҳром ТОЖИЕВ**

**СУРАТДА: кўргазмадан лавҳалар**

**А.Попов олган суратлар**

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

**Республика ИИВ Академиясида «Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига имплементация қилиш» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.**

Ички ишлар идоралари офицерларининг малакасини ошириш факультетида ўқиётган профилактика хизмати вакиллари учун ташкил этилган тадбирда Академиянинг Инсон ҳуқуқлари назарияси ва амалиёти кафедраси ҳамда Европа хавфсизлиги ва ҳамкорлиги ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари Координатори билан ҳамкорликда амалга оширилаётган дастурлар атрофлича муҳокама қилинди.

Семинарда «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда ички ишлар идораларининг вазифалари», «Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг БМТ инсон ҳуқуқлари бўйича конвенциявий органларнинг тавсияларини бажариш бўйича Миллий ҳаракат режалари талабларини бажариш бўйича вазифалари» каби мавзуларида маъруза қилинди.

Йиғилишда асосий эътибор инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳужжатларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш истиқболлари ва муаммоларига бағишланди. Шунингдек, ички ишлар соҳасида инсон ҳуқуқларини таъминлаш, профилактика хизмати вакилларининг касбий маҳоратини ошириш, инсон ҳуқуқларини таъминлашда миллий қонунчилигимизда белгиланган меъёрлар билан ишлаш қобилиятини шакллантиришга қаратилди.

**Наргиза АСАДОВА,**
**«Туркистон-пресс»**

**Қалбларимизни олам-олам қувончга тўлдириб қутлуғ қадамлар билан Янги йил ҳам ташриф буюрди. Ёшу кексаларнинг дилида айни дамда фақат оппоқ ойдин орзу-тилаклар туғён ураётгани шубҳасиз. Дўст-биродарлар, яқин жигаргўшалар, ҳамма-ҳамма бир-бирини Янги йил билан қутлаб, фақат эзгу тилакларни билдиришмоқда. Янги йилимиз хайрли бўлсин, аввало юртимизда тинчлик, фаровонлик, хонадонларимизда тотувлик, омонлик, бахт ва омад барқарор бўлсин, дея чин кўнгилдан ният қиламиз.**



Ўқув муассасаларида

# ЁШ ИҚТИДОРЛАР ЕТИШИБ ЧИҚМОҚДА

**Матбуот саҳифаларида ёшларга яратилаётган улкан имкониятлар, улар учун қайта таъмирланган ва янгитдан барпо этилган ўқув масканлари ҳақида ёритар эканмиз, бундан ўзимиз ҳам қувонамиз. Зеро, мамлакатимизнинг истиқболи порлоқ ёшлари қўлга киритаётган улкан ютуқлар замирида уларга яратиб берилаётган шарт-шароитлар муҳим аҳамият касб этади.**

Шаҳримиздаги Фаттоҳ Назаров номидаги 23-болалар мусиқа ва санъат мактаби 1970 йилда ташкил қилинган бўлиб, 246 нафар ўқувчи таълим оладиган ушбу масканда ўзбек халқ чолғулари, фортепиано, скрипка, эстрада хонандалиги, хореография, рақс ва тасвирий санъат бўлимлари мавжуд.

Унда таҳсил олаётган ўқувчилар «Санъат ғунчалари», Мухтор Ашрафий, Муҳиддин Қориёқубов номидаги, «Янги авлод», Академик чолғулар, эстрада ижрочилиги каби қатор Республика кўрик-танловлари ва фестивалларда қатнашиб совринли ўринларни қўлга киритиб келаётгани таҳсинга сазовордир.

Ўтган йилнинг сентябрь ойида мактаб тўла қайта таъмирланиб, янгича қиёфа кашф этган ҳолда замонавий анжомлар билан жиҳозланди. Бу ерда яратилган шарт-шароитлар, яъни овоз кучайтиргич аппаратлари, чолғу асбоблари, минидиск ва миникомпакт тизимларнинг машғулотлар учун шай қилиниб қўйилганлиги, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўз устиларида мустақил ишлашларига тўлиқ имконият яратмоқда.

— Ўқув муассасамизнинг реконструкция қилиниши бизни янада шижоат билан ишлашга ундамоқда, — дейди мактаб директори Олим Муҳиддинов. — Президентимизнинг ғамхўрликлари остида яратилаётган бу имкониятлар ўқувчиларнинг қалбида келажакка бўлган ишончни янада мустаҳкамлаб бормоқда. Мусиқа санъати болаларимиз иқтидорини шакллантириш билан бирга, уларни эзгуликка, гўзалликка, яхшиликка нисбатан маънавий дунёсини бойитиб боради. Жозибали қўшиқлар, дилбар рақслар, турфа оҳангларда таралаётган сархуш наволар келажагимиз давомчилари дилига энг гўзал туйғуларни жо этиш билан бирга, уларни ўз устиларида изланишга, иқтидорларини намоён этишга ундайди. Мақсадимиз ёшларнинг бахтли келажагида энг мунаввар кунларни кўрмоқ. Уларни юртга садоқатли, халққа фидойи, мусиқа санъати ривожига озгина бўлсада ҳисса қўша олиш даражасида тарбиялашга ҳаракат қилмоқдамиз. Умид қиламизки, келажакда ўқувчиларимиз орасидан эл суйган санъаткорлар етишиб чиқади.

Мактабга ташрифимиз доирасида Янги йил байрамига бағишланган катта концерт дастурида иштирок этдик. Болажонлар, ота-оналар ва ўқитувчиларнинг байрам хурсандчилигига шерик бўлар эканмиз, санъатнинг сеҳрли кучига яна бир бор тан бердик.

Айниқса «Янги авлод — 2010» Республика фестивали ғолиби Абдуазиз Абдуназаров, Муҳиддин Қориёқубов номидаги кўрик-танлови ғолиби Муҳайё Собирова, Академик чолғулар ва эстрада хонандалиги, Республика кўрик-танловида зафар қучган Сетора Ҳамроқулова, «Янги авлод — 2010» танловининг шаҳар босқичи ғолиби «Настарин» ашула ва рақс гуруҳи ижросидаги жозибали куй ва қўшиқлар байрамнинг мазмунли ва қизиқарли ўтишида муҳим омил бўлди.

Янги бунёд этилган ва барча қулайликларга эга бўлган концерт залида ташкиллаштирилган байрам дастури барча иштирокчиларга хушнуд кайфият бағишлади.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТДА: ўқув муассасаси ҳаётидан лавҳа**

Янги лойиҳалар

# «КАМОЛОТ»ДАН ТУҲФА

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан 2003 йилдан буён Янги йилни муносиб кутиб олиш мақсадида «Камолот»дан Янги йил!» лойиҳаси амалга ошириб келинмоқда. Ушбу давр оралиғида қирқ мингдан ортиқ ёшлар ушбу лойиҳада фаол иштирок этишди.

«Баркамол авлод йили»да ҳам мана шу анъанага мувофиқ 2010 йилга мўлжалланган лойиҳа олий ўқув юртлари «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилотлари билан ҳамкорликда ижтимоий ёрдамга муҳтож болалар, ёлғиз қолган қариялар, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ва имконияти чекланган болаларни маънан қўллаб-қувватлаш, қишки таътилларини мазмунли ўтказиш, ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларга доимий эътибор ва кўмак бериш, жамиятимизда ўзаро ҳамжиҳатлик, мурувват ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш, улар учун муносиб турмуш шароитини яратиш ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолларини Янги йил билан қутлаш мақсадида ўтказилмоқда. Лойиҳадан қатор ранг-баранг тадбирлар ўрин олган бўлиб, улардан бири имконияти чекланган ва ёрдамга муҳтож болалар учун «Камолот»дан туҳфа!» лойиҳасидир. Лойиҳа давомида 800 дан ортиқ хонадонларга махсус сценарий асосида Қорбобо ва Қорқиз ташрифлари уюштирилиб, болажонларга байрам совғалари улашилади. Лойиҳада сардор ва етакчилар Кенгаши аъзолари, «Иқтидорли ёшлар мактаби» тингловчилари ўз тенгдошларига қувонч улашиш орқали уларнинг кўнглига байрам шукуҳини олиб киришади. «Камолот»дан туҳфа!» лойиҳаси пойтахтдаги 474 та маҳаллаларда ҳам амалга ошириляпти. «Камолот»чилар учун алоҳида ўрин касб этадиган Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ва мактаб-интернат ўқувчиларини маънан қўллаб-қувватлаш ҳамда Янги йил билан қутлаш мақсадида ишлаб чиқилган лойиҳа бу йил «Камолот» билан бахтли болалик сари» деб номланиб, лойиҳа давомида туманларда жойлашган барча Меҳрибонлик уйи ҳамда махсус мактаб-интернатларда Янги йил байрам тадбирлари ташкил этилиб, болажонларга байрам совғалари улашиш орқали театрлаштирилган томошалар намойиш этилмоқда.

Байрам нафақат болажонларники, балки барча ёшу қари бирдек Янги йилни байрам қилади. Айнан маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёлғиз қолган ва ёрдамга муҳтож қарияларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳолидан хабар олиш ҳамда Янги йил билан қутлаш мақсадида ташкил этилган «Ёшлар табриги!» лойиҳасида эса Қорбобо ва Қорқиз ҳамда эртак қаҳрамонлари билан бир қаторда ёш «Камолот» ва «Камалак» фаоллари нуроний отахон ва онахонларимиз истиқомат қиладиган хонадонларга кириб борадилар ва уларни байрам билан қутлаб, уй юмушларига ҳам қарашишади.

— Ушбу тадбирларга қизғин ва пухта тайёргарлик кўрилди, — дейди биз билан суҳбатда лойиҳа раҳбари «Камолот» ЁИҲ шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари Баҳодир Зиёвиддинов. — Шунингдек «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими Кенгаши, 2011 йилнинг 3-10 январь кунлари «Маҳалла» жамғармаси, Тошкент Давлат санъат институти, Тошкент Давлат маданият институти талабалари билан ҳамкорликда пойтахтимизнинг аҳоли гавжум жойлари ҳамда кўп қаватли уйлар ва маҳалла гузарларида ташкил этилган «Камолот» арчаси!»да лойиҳанинг асосий иштирокчилари, эртамиз эгалари бўлган 6-14 ёшгача бўлган ёшлар учун ҳам махсус саҳналаштирилган эртак асосида Қорбобо ва Қорқизнинг байрам совғаларини улашишади. Юнусобод туманидаги шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бошқармасига қарашли «Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш» марказида тарбия олаётган вояга етмаганларни Янги йил билан қутлаш мақсадида «Камолот» сенинг суянчинг!», Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида истиқомат қилувчи кекса авлод вакиллари учун «Эъзоздасиз, ҳар қачон !» лойиҳаси ўтказилади.

— «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида кўрсатилган ва Президентимиз томонидан ёшлар ташкилотига билдирилган ишончни тўлақонли оқлаш, пойтахтимиз ёшларининг ишончи ва суянчига айланишни кўзлаган ҳолда ушбу лойиҳаларда 30. 000 дан ортиқ ёшларнинг тўлиқ иштирок этишларини ўз олдимизга олий мақсад қилганмиз ва барча лойиҳадан ўрин олган тадбирларни юқори савияда уюшқоқлик билан ўтказишга ҳаракат қилмоқдамиз, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Маҳмуджон Асомов.

**Нигора МИРСОДИҚОВА,**
**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабаси**

Таълим

# БИЛИМ ВА МАҲОРАТ

**Ўзбекистон ва Германия ҳамкорлигидаги «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб-ҳунар таълимини ривожлантиришда кўмак» лойиҳаси доирасида қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Касб-ҳунар коллежларидан бир нечасининг моддий-техника негизи мустаҳкамланди.**

Турли русумдаги замонавий компьютер жамланмалари ўқув юртларига тортиқ қилинди.

Ўқувчиларга электрон ускуналарнинг тузилиши ва ишлаш тамойилларига бағишланган ўқув машғулотлари билимлар асосида компьютер ва коммуникация техникаларини таъмирлаш, йиғиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш жараёнлари давом эттирилмоқда.

# МАРАФОННИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИЛАРИ

**«Сайёра» интернет марафонида компьютер бўйича саводхонликни пухта ўзлаштираётган ёшлар фаол иштирок этиб келаётирлар.**

Навбатдаги бу беллашувда 10 нафар энг фаол иштирокчи турли совринлар билан тақдирланди.

Рейтинг баллари юқори бўлган иштирокчилар орасида Ўзбекистон Миллий университети ҳақидаги сайти билан ғолибликни қўлга киритган талаба ҳам бор. Авлоний номидаги Республика педагогик раҳбар кадрлар малакасини ошириш марказий институти вакили «ўқитувчиларнинг ўз устида ишлаши тўғрисида»ги сайтини намойиш қилиб, энг кучлилар сафидан ўрин олди.

# ЭЛЕКТРОН КАТАЛОГ

**Тошкент Давлат педагогика университети ахборот-ресурс марказида китобларнинг электрон каталогини яратишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.**

Олий ўқув юртининг электрон кутубхонаси эса бепул интернет тизимига уланган. Эндиликда талабалар «Зиё Нет.Уз» сайтига кириб, барча ўқув қўлланмалари ва дарсликлардан фойдаланишмоқда.

# НИЗОМ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА

**Маълумки, талабалар турар жойларида ишлар ўзини ўзи бошқариш тамойиллари асосида йўлга қўйилган. Тошкент ахборот технологиялари университетида толиби илмлар учун ҳам қулайликлар муҳайё қилинган.**

Бунда «Университет талабалар турар жойида ўзини ўзи бошқариш Низоми» дастуруламал бўлиб хизмат қилаётир. Ана шу йўриқномада кўпгина имтиёзлар баён қилинган бўлиб, ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Бугунги кунда олий ўқув юртида учта талабалар турар жойи мавжуд. Уларда 1230 га яқин талаба истиқомат қилмоқда.

Биринчи сонли турар жойда талабалар учун барча қулайликлар муҳайё қилинмоқда. Бу ерда компьютер синфи ҳам ташкил қилинган. Ундаги 30 та компьютер қурилмаси интернет тармоғига уланган. Шу билан бирга кутубхона, сартарошхона ишлаб турибди.

«Маънавий-ахлоқий тарбия» хонаси доим гавжум бўлади. Ёшлар телевизорлар, сенсорли киоскалардан ҳам фойдаланадилар.

Талабалар турар жойида спорт билан шуғулланиш учун ҳам шароит яратилган. Даволанишнинг барча имконига эга бўлган профилакторий ҳам фаолият кўрсатмоқда. «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси саъй-ҳаракати билан кўрилаётган тадбирлардан ёшлар мамнун. Компания ҳомийлигида истиқомат қилувчи талабаларга бепул тушлик ташкил қилинмоқда.

Олий ўқув юртининг бошқа талаблар турар жойларида ҳам шундай манзарани кўриш мумкин.

Фан

# ЗАМОНАВИЙ ҚУРИЛМАЛАР

**Ўзбекистон Фанлар академияси Сув муаммолари институти олимлари қатор йирик лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш билан боғлиқ мавзулар устида самарали изланмоқдалар.**

Сувни электр стерилизация йўли билан тозалаш қурилмаси ҳам кенг фойдаланилмоқда. Мазкур қурилма Тошкент шаҳар «Сув-канал» корхонасида ўзига «яшил» йўл топди. Эътиборли томони шундаки, қурилма сувни тозалашдаги энергия сарфини 20 фоизга қадар камайтириш имконини яратди. Энг муҳими, сувни хлорлашдан воз кечилди. Бу эса аҳоли соғлиғини сақлашда муҳим омил бўлди.

**Акбар АЛИЕВ**





Кумуш қишнинг зийнати

**Мамлакатимизда болалар спортини янада ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини такомиллаштириш, оммавий спорт тадбирларига ўқувчи- ёшларни кенг кўламда жалб этиш, истеъдодли ёш спортчиларни аниқлаш ва уларни спортнинг ўзлари хоҳлаган тури билан мунтазам шуғулланишларига шарт-шароит яратиб бериш борасида бир қатор режали ишлар амалга оширилмоқда.**

## Мусобақалар

# СОҒЛОМ ФАРЗАНД — ЮРТ КЕЛАЖАГИ

Ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, бўш вақтларини унумли ўтказишларига ҳисса қўшиш каби хайрли мақсадлардан келиб чиққан ҳолда Юнусобод туманидаги ўн иккита ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчи- ёшлари ўртасида «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижроси йўлида турли спорт мусобақалари ташкил этилиб уларнинг саломатлиги тикланиши, иқтидорли ва истеъдодли спортчи-ёшларнинг кашф этилишига эришиб келинмоқда.

Куни кеча Тошкент давлат Шарқшунослик институти қошидаги академик лицейда «Соғлом фарзанд — юрт келажаги» шиори остида мини футбол мусобақалари бўлиб ўтди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси шаҳар ва туман филиали, «Камолот» ЁИҲ, маданият ва спорт ишлари, маънавият тарғибот марказларининг туман бўлимлари ҳамкорлигида ўтказилган ушбу мусобақа ниҳоятда жонли, уюшқоқликда ўтганлиги билан барча қатнашчиларда яхши таассурот қолдирди ва унда биринчи ўрин Тошкент иқтисодиёт коллежига, иккинчи ўрин Тошкент молия институти қошидаги академик лицей ва учинчи ўрин Тошкент туризм коллежига насиб этди.

Ғолиб ва совринли ўринларни эгаллаган қатнашчиларга ташкилотчилар ва ҳомийларнинг диплом, фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди. Мусобақа давомида Юнусобод тумани ўқувчиларининг бадиий чиқишлари барчага маъқул бўлди.

— Ёшлар орасида иқтидорли ва истеъдодли, эртасига катта умид боғлайдиган спортчилар жуда кўпчиликни ташкил этиши кишини хурсанд қилади, — дейди Маънавият тарғибот маркази туман бўлими раҳбари Нигора Абдураҳимова. — Чунки уларнинг барчаси ҳам эртага спорт йўлидан эмас, балки бошқа соҳаларни эгаллаб, касбига меҳр қўйиб кетишар, лекин уларнинг соғлом бўлиб вояга етишида спортнинг ўрни ниҳоятда муҳим эканлигини тушуниб, астойдил шуғулланаётганлари бизнинг ютуғимиз. Келажакда буларнинг аҳамияти жуда катта бўлади.

**Шоира МУХАМЕДОВА**

## Футбол

# ҒАЛАБА КЕЛТИРГАН ЯГОНА ГОЛ

**Бирлашган Араб Амирликларида келгуси йили Қатарда футбол бўйича уюштириладиган Осиё чемпионатига жиддий ҳозирлик кўраётган Вадим Абрамов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси навбатдаги назорат-ўртоқлик учрашувини ўтказди.**

Аввалги ўртоқлик учрашувида баҳрайнлик чарм тўп усталарига қарши майдонга тушиб 1:1 ҳисобидаги дуранг натижани қайд этган терма жамоамизга бу сафар қитъамизнинг номдор клубларидан бири «Ал-Шабоб» рўбарў бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Вадим Абрамов ушбу учрашувда ҳам имкон қадар умидли ёш футболчиларни синовдан ўтказди. Ўйин ҳамюртларимизнинг устунлигида ўтди. Ҳужумкор, тезкор ва шиддатли курашлар остида кечган беллашувда Александр Гейнрих томонидан араблар дарвозасига киритилган ягона гол терма жамоамизга ғалаба келтирди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

# ЎЙИНДАН ЎТ ЧИҚМАСИН...

**Тошкент шаҳар ИИББ томонидан пиротехника воситаларининг ноқонуний равишда республика ҳудудига киришининг олдини олиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.**

2010 йилнинг 22 сентябридаги «Пиротехника буюмлари муомаласини тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун ижроси йўлида соҳа ходимлари жойларда текширувлар ўтказишди. Махсус ташкил этилган тезкор штаб ва ишчи гуруҳлари томонидан бозорларда, фуқаролар гавжум жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Бу ўз навбатида пиротехника воситаларининг ноқонуний савдосига чек қўйиш самарадорлигини янада оширди, десак муболаға бўлмайди. Ўтказилган рейдлар ва тезкор қидирув тадбирларида ички ишлар ходимлари томонидан 847 мингдан ортиқ пиротехника воситалари йўқ қилинди. Уларнинг ноқонуний савдоси билан шуғулланган кишилар тегишли тартибда жазоланган.

– Пиротехника воситаларининг зарарли оқибатларини биринчи навбатда биз катталар, ота-оналар билишимиз даркор, — дейди Республика ИИВ ЁХББ бош мутахассиси Даврон Қамбаров.– Сабаби, катталар бунинг нохуш оқибатлари, ҳар хил талафотларга олиб келишини била туриб сотишади ёки фарзандларига олиб беришади. Бола-болада, ўзи тушунмаган, англамаган ҳолда қизиқиши табиий. Шунинг учун пиротехника воситаларининг ноқонуний савдоси билан шуғулланаётган айрим тадбиркорларнинг фаолиятига чек қўйиш, унинг олдини олишда нафақат соҳа ходимларининг балки ҳар бир фуқаронинг жонкуярлиги муҳим аҳамият касб этади. Бу ўз навбатида аҳоли тинчлиги ва хотиржамлигини таъминлаш имконини ҳам беради.

Чиндандa, соғлиққа жиддий хавф туғдирувчи пиротехника воситаларини болаларга харид қилмасликни ўргатиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Қолаверса, таъкидланганидек, бу каби ишларни айрим катталардан бошлаш, бу борада ҳар биримиз фаол иштирок этишимиз мақсадга мувофиқдир.

**Наргиза АСАДОВА, “Туркистон-пресс”**




# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

*ДОНОЛИК ҲАҚИДА*

**Доно айтса — эл айтгани,
Элнинг ғамин еб айтгани.**

**Доно билан йўл юрсанг,
Узоқ йўлинг яқиндир.
Нодон билан йўл юрсанг,
Яқин йўлинг узоқдир.**

**Доно — дурдан аъло.**

**Кўп билган оз сўзлар,
Оз сўзласа ҳам, соз сўзлар.**

**Нодондан ақл кутма,
Бебурддан— номус!**

**Нодон сўзлар,
Доно ибрат олар.**

**Одамнинг тизгини— ақл.**

**Одамнинг юзига боқма, сўзига боқ.**

**Ой тунда керак,
Ақл кунда керак.**

**Оталар сўзи — ақлнинг кўзи.**

**Оғзига келганни демоқ
нодоннинг иши,
Олдига келгани емоқ ҳайвоннинг иши.**

**Телбага тилмоч керакмас.**

**Тил — ақл тарозуси.**

**Туядек бўй бергунча,
Тугмадек ақл берсин.**

**Фикри равшаннинг, сўзи равшан.**

**Ўйлаб гапирган мақтовда бўлар,
Ўйламай гапирган мазахда қолар.**

**Ўйлаб қилинган иш битар,
Ўйламай қилинган иш йитар.**

**Ўйламай босдим тиконни,
Тортадурман жабрини.**

**Ўйламай қилинган иш,
Бошга келтирар ташвиш.**

**(Давоми бор)**


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар ҳудудий СИБ томонидан ИП МЧЖ «TEXTILE IMPEX» корхонасига қарашли Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани, М.Уйғур кўчаси, 103-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 25.05.2010 йилдаги №10-09-05/4590-сон ижро ҳужжатига асосан 1988 йилда и/чиқ. дав.бел. М 6885 бўлган «ИЖ-271501101» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 1 652 550 сўм. 2. 25.05.2010 йилдаги №10-09-05/4590-сон ижро ҳужжатига асосан 2004 йилда и/чиқ. дав. бел. М 0070 бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 8 464 000 сўм. 3. 25.05.2010 йилдаги №10-09-05/4590-сон ижро ҳужжатига асосан 2004 йилда и/чиқ. дав.бел. М 5746 бўлган «Ваз-2107404502» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 9 095 100 сўм.

**Аукцион савдолари 2011 йилнинг 3 февраль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Юқоридаги автотранспорт воситалари такрорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 24 февраль куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.**

**2011 йил 20 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий очиқ аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилмоқда.**

Аукцион савдосига Оҳангарон тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти Оҳангарон қурилиш материал савдо шўъба корхонасида Аукцион савдосига М.Улуғбек тумани СИБ томонидан 1.Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Оққўрғон кўчасида жойлашган тўрт қаватли бинонинг тўртинчи қаватидаги майдони 43,05 кв. бўлган 1 та яшаш хонасидан иборат бўлган 26-уй, 54-хонадон қўйилмоқда. Бошланғич нархи – 34 470 000 сўм. 2.Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Черданцева кўчаси, 1-уйда жойлашган беш қаватли бинонинг бешинчи қаватида жойлашган 3 та яшаш хонасидан иборат бўлган 2-уй, 29-хонадон қўйилмоқда, бошланғич нархи – 108 776 643 сўм.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206 852 268, ОКОНХ 81200га тўлашлари шарт. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

**Тузатиш: 2010 йил 25 декабрдаги № 103 (12.323) сон «Тошкент ҳақиқати» рўзномасида эълонга берилган 2010 йил 16 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий очиқ аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилмоқда, сўзлари ўрнига 2011 йил 20 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий очиқ аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилмоқда сўзлари деб ўқилсин.**

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри,
Олмазор тумани,
Беруний кўчаси, 83-уй.
Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.
Лицензия: DB 001 №000003




**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56.**

**Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32. 2-қават, 208-хона.**


## ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!

Марказий банк Тошкент шаҳар Бош бошқармасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг биринчи ўринбосари томонидан ҳар ойнинг биринчи ҳафтаси жума кунида фуқароларнинг сайёр қабуллари ўтказилади.

Сайёр қабулларга 212-61-87 ва 212-61-51 рақамли телефонлар орқали олдиндан ёзилиш мумкин.

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида* ***5 январь*** *куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 3-5 даража совуқ, кундузи 6-8 даража илиқ бўлади.*

*Республика ҳудуди бўйича ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Айрим жойларга туман тушади. Ғарбдан шарқ томон секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 4-9 даража илиқ бўлиши кутилмоқда.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг маркази маълумотига кўра,* ***5 январь*** *куни Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*

Олмазор туманидаги 28-мактабга Олмазор тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2007 йил 19 апрелда берилган юридик шахсни давлат рўйхатига ўтказиш тўғрисидаги Reestr рақами № 001919-05 бўлган № 001919 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
**Нашр кўрсаткичи — 563**
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
4828 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

**Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.**

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 5

Буюртма Г- 106

Топширилган вақти: 15 55